



ЗИЁДАХОН ТЕШАБОВА

**«БОБУРНОМА»НИНГ  
ЛИСОНИЙ ЖОЗИБАСИ ИНГЛИЗ  
ТАРЖИМОНЛАРИ ТАЛҚИНИДА**



ЗИЁДАХОН ТЕШАБОВЕВА

**«БОБУРНОМА»НИНГ ЛИСОНИЙ  
ЖОЗИБАСИ ИНГЛИЗ ТАРЖИМОНЛАРИ  
ТАЛҚИНИДА**  
(фразеологик бирликлар таржималари  
мисолида)



“Nodigabegim” нашриёти  
Тошкент – 2021

Барри – р н. да к да

КБК: 83.3(5)

T 45

УЎК: 821.512.133.09

ISBN 978-9943-7804-4-6

Тешабоева, Зиёдахон.

«Бобурнома»нинг лисоний жозибаси инглиз таржимонлари талқинида [Matn]: монография / З. Тешабоева. — Тошкент: Nodirabegin, 2021. — 228 б.

Ушбу монография «Бобурнома» асарида қўлланган фразеологик бирликлар мазмуни ва уларнинг инглизча таржималари масалаларига бағишланган. Асар турли инглиз таржимонлари Жон Лейден – Вильям Эрскин (1826), Аннетте Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996) таржимасида фразеологик бирликларнинг акс этиш муаммосига қаратилган бўлиб, «Бобурнома»даги ибораларнинг инглиз олимлари томонидан турлича талқин этилиши, инглиз тилига таржима қилишда турли таржима методларидан фойдаланганликлари очиб берилган. Монографияда турли даврда амалга оширилган инглизча таржималар асосида унинг текстологик лугатини тузиш тамойиллари ҳавола қилинган. Ушбу монография бобурушулос олимлар, журналистлар, тадқиқотчилар, олий ўқув юрти ўқитувчилари, талабалар, инглиз тилини чуқур ўрганувчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

#### Масъул муҳаррир:

Г.Боқиева – филология фанлари доктори, профессор

#### Тақризчилар:

Н.Отажонов – филология фанлари доктори, профессор

З.Холманова – филология фанлари доктори, профессор

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 29 ноябрдаги Илмий кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилган.*

© Тешабоева З.

© “Nodirabegin” нашриёти, 2021.

## КИРИШ

Дунё халқларининг маданиятлари уйғунлашаётган бир пайтда турли тиллар ва халқлар маданиятига эътиборли бўлиш, уларни талқин этиш муҳим аҳамият касб этади. Миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган тилимиз тарихи, ҳусусан, буюк давлат арбоби, шоҳ ва шоир Захриддин Мухаммад Бобур ва унинг «Бобурнома» асари ҳар бир халқнинг лисоний олам манзарасининг ўзига хос миллий-маданий ҳусусиятлари мужассамлашган асар бўлиб, бу борада олимлар таъкидлаганидек, дунё манзараси изларини тилда, имо-ишоралар, тасвирий санъат, мусика, маросимлар, урф-одатлар, одоб-ахлоқ ва инсон ҳуқ-атқорида кўришимиз мумкин. Асардаги лексик-фразеологик реалия, лақуна ҳамда фразеологик бирликлар эквивалентлари, таржима масалалари энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Захриддин Мухаммад Бобурнинг ўлмас асари «Бобурнома» эса мана шундай жиҳатларни ўз ичига қамраб олгани, мумтоз асарнинг сўз қўламини ва уни ўрганish соҳаси жуда кенг. Ушбу асарни ўрганмаган биронта йирик рус олими қолмаган. Бу борада Н.И.Веселовский, Н.И.Веселовский, А.Самойлович, М.Салье, Н.Н.Стеблева, Л.Тугушева, Г.Благованинг тадқиқотларини қолтириш мумкин. Дунё бобурушуносининг инглиз олимлари тадқиқотда, айнан асарнинг таржима масаласида гап борганда, у инглиз тилига жуда кўп марта таржима қилинган, улар Ж.Лейден, У.Эрскин, С.Д.Пуул, М.Эдварде, А.Бевериж, Х.Бевериж, Р.М.Калдекот, Ч.Стори, Э.Холден, Л.У.Кинг, Ф.Ж.Талбот, В.Текстон, Д.Росс ва Ж.Элфинистонлар.

Шунингдек, таржимашунослик соҳасининг ривожланиб бориши, қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар каторида Зиёдахон Тешабоеванинг ушбу китоби «Бобурнома»нинг таълими ва русча таржимаси, Жон Лейден – Вильям Эрскин (1826), Аннетте Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстоннинг (1996) инглизча таржималарига бағишланган «Бобурнома» ва унинг русча таржимаси, уч хил, турли даврларда амалга оширилган инглизча таржималари ва фразеологик бирликлар чуқур тадқиқ этилган, китоб узоқ йиллар давомида